



14 “ июнь 2013 й. г. № 169

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларга ўқитиш
соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини
соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек чет тилларни ўрганиш имконини янада кенгайтиришни таъминлаш, нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўқитиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2013 йил 1 августдан бошлаб нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

2. Қуйидагилар:

Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссияларнинг Намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссияларнинг (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) таркибини тасдиқласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси:

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин;

ҳудудий комиссиялар фаолияти мувофиқлаштирилишини ва доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин;

ушбу қарорнинг бажарилиши тўғрисида 2014 йил январь ва июль ойларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари И.А.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири



Ш. Мирзиёев